




МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА




Давлатимиз раҳбарининг Сурхандарё вилоятига ташрифи чоғида сектор раҳбарларига иқтисодий ўсишнинг қўшимча захираларини топиш ва сафарбар қилиш, маҳаллаларда “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, уларни ривожлантириш борасида аниқ вазифалар белгилаб берган эди.



Қумқўрғон туманида бу борада аниқ манзилли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 3-секторо ҳудуди "Чўкирли" маҳалласида сектор раҳбари, туман ИИБ бошлиғи Н. Н. Нарзуллаев томонидан маҳаллабай ишлаш тизимига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишда маҳалла раислари ва мазкур тизимда иштирок этадиган ходимлар билан бу борадаги чора-тадбирлар ва уларни амалга ошириш механизми муҳокама қилинди.



Туман ИИБ бошлиғи Н. Нарзуллаев ёш авлодга ўрнатқ сифатида от миниб, хизмат ҳудудини айланиб чиқди. "Чўкирли" маҳалласидаги хонадонларда бўлиб, фуқароларнинг замонавий иссиқхоналари билан танишди. Уларни кенг тарғиб қилиш бўйича суҳбатлашди.



Шунингдек, туман ИИБ бошлиғи ташаббуси билан ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида Чўкирли маҳалласида жойлашган 59-сонли умумтаълим мактабга 500 дона китоблар совға қилинди.